

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН
ШАРТНОМА №46**

Тошкент шаҳар

04.08 2022 йил

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6019-сонли ишончнома бўйича иш кўрувчи директор **Рустамов Ф.Ш.** кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб бир томондан, ва “Arch Design Service” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталиб иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталади, қуйидаги мазмунда Шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ ВА МУДДАТИ

- 1.1. Бажарувчи: Тошкент вилояти Қибрай тумани “Хайрабад” М.Ф.Й. Алоқачи кўчаси 11-уй манзилида жойлашган Қибрай ўқув маркази ҳудудида **1 қаватли спорт соғломлаштириш комплексини** қуриш учун лойиҳа-смета хужжатларини ва экспертизадан ўтказиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Буюртмачи эса уни қабул қилиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини (ЛСХ) аванс тўлов амалга оширилгандан сўнг Буюртмачи томонидан бирламчи маълумотларни олган кундан 45 (қирқ беш) иш куни муддатида Буюртмачига тақдим қилади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Мазкур Шартноманинг баҳоси шартноманинг 1-иловасидаги тарафларнинг келишувига асосан ҚҚС билан **210 000 000 (Икки юз ўн миллион)** сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Буюртмачи шартнома имзолангандан сўнг Бажарувчига 10 (ўн) кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоиз: **63 000 000 (Олтмиш уч миллион)** сўм миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.
- 2.3. Буюртмачи шартнома бўйича қолган маблағни, Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачига тақдим этиб топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган сўнг 10 кун мобайнида тўлаб беради.
- 2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:
 - ишлар қиймати енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари;
 - ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни Бажарувчига тақдим қилиши шарт.
- 3.2. Буюртмачи тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Бажарувчига нисбатан қўзғатилган даъво ишида қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.
- 3.3. Бажарувчи буюртмачи томонидан тақдим қилинган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобайнида кўриб чиқиши ҳамда аниқланган камчиликларни Буюртмачига маълум қилиши шарт.
Агар Бажарувчи тақдим қилинган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш кунида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат ишларни бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

- 3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлар ишларидаги камчиликлар, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатларида аниқланган камчиликларни Бажарувчи Бажарувчи бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча кидирув ишларини бажариши шарт.
- 3.5. Бажарувчи тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлар асосида курилатган объектни курилиш жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширишни ўз зиммасига олади.

4. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларини Бажарувчи Буюртмачига топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.
- 4.2. Буюртмачи шартноманинг 4.1. бандида кўрсатилган хужжатларни олгандан сўнг 10 (ўн) иш кунни мобайнида Бажарувчига имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаганлига тўғрисида асосланган рад жавобини юбориши шарт. Агар Буюртмачи ишларни 10 (ўн) кун мобайнида қабул қилмаслиги тўғрисида асосланган рад жавобини юбормаса ишлар қабул қилинган деб ҳисобланади.
- 4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслиги тўғрисида рад жавобини берган ҳолатда, қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатлари белгиланган ҳолда икки томонлама далолатнома тузилади.
- 4.4. Лозим топилган ҳолда томонлардан бири ҳолис экспертларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун муружаат қилиши мумкин.
- 4.5. Лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни лойиҳа-смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатларда буюртмачи аниқланган камчиликлар тўғрисида Бажарувчини ёзма равишда огоҳлантиради ва Бажарувчи 10 (ўн) иш кун мобайнида камчиликларни бартараф этилишини уз зиммасига олади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

- 5.1. Шартномани амал қилиш давомида юзага келган низоларни томонлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган ҳолда қонун хужжатларда белгиланган тартибда Туманлараро иқтисодий судда кўриб чиқилади.

6. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ

- 6.1. Мазкур шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда томонлар ёки уларнинг вакиллари имзолаган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.
- 6.2. Шартнома томонлар келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин. Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ёки бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини муддатидан олдин бажарганида, буюртмачи хужжатларни шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади тўловни амалга оширади.
- 7.2. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини шартноманинг 1.3. бандида кўрсатилган муддатда топширмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун Буюртмачига мажбурияти бажарилмаган қисмининг 0,1 фоиз миқдорида жарима тўлайди, бироқ бунда жариманинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 7.3. Буюртмачи шартноманинг 2.3. бандидада белгиланган муддатда тўловларни амалга оширмаса, Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасидан 0,1 фоиз

жарима тўлайди, бироқ бунда жариманинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим

7.4. Тўланган жарима томонларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР (ФОРС-МАЖОР)

8.1. Томонлар, енгиб бўлмас фавқулодда вазият юзага келган ҳолатда, мазкур Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажариш маъсулиятидан озод этилади. Фавқулодда вазиятларга, ёнғин, тув тошқини, zilзила ва бошқа табиий офатлар, уруш, фуқорлар тартибсизлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг мазкур Шартнома мажбуриятини бажарилишига тўсқинлик қиладиган қарорлари киради.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Томонлар, Шартнома мазмуни, шунингдек ушбу Шартнома билан боғлиқ Томонларга тақдим этилган барча ҳужжатлар, Томонларнинг тижорат сири эканлиги, ҳамда уларни бошқа Томоннинг ёзма рухсатисиз ошқор қилмасликка келишиб олишади.

9.2. Томонлар тасдиқлаб қафолатлашади-ки, мазкур Шартномани тузилиш учун тегишли ваколат доираси белгиланган, барча зарур келишиш ишлари (шу жумладан қатнашувчилар розилиги) амалга оширилган ва бундан келиб чиқадиган, расмийлаштирилган мажбуриятлар тўлиқ кучга эга бўлади.

9.3. Мазкур Шартноманинг имзоланиши ва бажарилиши, ҳамда унда кўзда тутилган ҳаракатлар куйидагилар билан қарама-қаршилик туғдирмайди:

- ҳар қандай Қонун, буйруқ, Давлат идорасининг фармойиши, суд қарори ва унга тегишли қонунчилик ҳужжати, қоида, тартиб ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- таъсис ҳужжатлари ёки Пудратчи ва (ёки) унинг таъсисчисининг ҳар қандай ички ҳуқуқий ҳужжатлари;
- Пудратчи ёки унинг таъсисчисига, ёки уларнинг активларига таъсир ўтказувчи ҳар қандай келишув ёки ҳужжат.

9.4. Томонлар, бу билан коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этиш, ҳамда коррупцияга қарши қонунчилик меъёрларини бузадиган, шу жумладан, ҳар қандай ташкилот, ҳукумат ва давлат идораси вакиллари, нодавлат юридик шахс ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа кўринишдаги пора таклиф қилиш, ваъда бериш, қонунга зид тўловларни амалга ошириш каби ҳаракатларни бажармаслик мажбуриятини олишади.

9.5. Мазкур Шартномага тегишли, барча ёзма равишда расмийлаштирилган ва Томонларнинг ваколатли ходимлари томонидан имзоланган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақиқий ҳисобланади.

9.6. Ҳеч бир Томон, мазкур Шартнома бўйича олган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, бошқа Томоннинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга юклатиш ҳуқуқига эга эмас.

9.7. Манзил, банк ёки бошқа реквизитлар ўзгарган тақдирда, Томонлар ўзгариш содир бўлган санадан 5 (беш) календарь куни давомида бошқа Томонни хабардор қилиши керак. Ушбу юқоридаги шартнинг бажарилмаслиги, мазкур Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳисобланади.

9.8. Томонлардан бирининг қайта ташкил этилиши, мазкур Шартнома шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бу ҳолатда Шартнома мажбуриятлари тегишли Томоннинг ворисига ўтади.

9.9. Томонларнинг бир-бирига юборадиган, мазкур Шартнома билан боғлиқ барча хабар ва маълумотлар давлат тилида тузилган бўлиши ва куйидаги тартибда жўнатилиши шарт:

- а) мазкур Шартнома Томонларининг ваколатли ёки ҳар қандай ходимига шахсан топширилади ва имзоланади;

- б) шахсан топшириш имконияти бўлмаган тақдирда, олганлигини тасдиқловчи хабарнома билан буюртма хат орқали жўнатилади;
- в) электронной почта орқали юборилади.
- 9.10. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.
- 9.11. Мазкур Шартноманинг барча иловалари, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 9.12. Мазкур Шартнома икки нусхада, давлат тилида тузилди, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| БУЮРТМАЧИ | БАЖАРУВЧИ |
|---|--|
| <p>“O‘zbektelekom” АК “ТШТТ” филиали Манзил: Тошкент шаҳар, Кичик Халқа йўли кўчаси 2-уй. 100084. Тел:(71) 233-65-50. Факс:(71) 232-15-15. Х/р: 2021 0000 6040 7483 8051. Банк: АТ “Алоқабанк” амалиёт бошқармаси Тошкент шаҳри. МФО: 00 401. ИНН: 203366731. ОКЭД: 61 100.</p> | <p>“Arch Design Service” МЧЖ МАНЗИЛ: Термиз ш. Шукрона к 15-Д уй. Тел+998-91-583-36-66 Х/Р 2020 8000 9007 4868 9001 ИНН: 304742434 ОКОНХ: 66000 МФО: 00328 ККСК:322010031406 АТБ «Туронбанк» Термиз филиали</p> |
| <p>мў</p> | <p>(имзо)</p> |
| <p><i>Ф.Ш.Рустамов/</i></p> | <p><i>Ш.Минглибоев</i></p> |
| | |